

Қуллар орасидаги шахзода



12:33 / 31.03.2021 2528

Америкалик профессор Эдвард Кертис «Encyclopedia of Muslims-American History» (Америка мусулмонлари тарихи энциклопедияси) асарида Америкага қул сифатида олиб келинганлар орасида илмилари бўлганлиги айтилади. Бунинг асосий сабаби, Ғарбий Африкада Қуръон таълимоти бўйича билим масканлари фаолият юритган. Шунинг учун Америкага биринчи олиб келинган африкаликларнинг ёзувлари араб тилида бўлган. Бу ёзувлар асосан Қуръон оятларидан иборат бўлиб, улар ҳозирги кунгача музейларда сақланади.

Амир Абдурахмон Иброҳим ибн Сурий Ғарбий Африкадаги Тимбо шаҳрида таваллуд топган. Отаси Иброҳим ибн Сурий Ғарбий Африкадаги ҳозирги Гвинея ҳудудида жойлашган Фута-Жаллон мусулмон ўлкасини раҳнамози бўлган. Абдурахмонни отаси Малидаги Ислом маркази бўлган Тимбукту

шаҳрига таҳсил олиш учун юборади. 1788 йили уни қул савдоси билан шуғулланувчи инглизлар бир қанча эркагу аёллар билан асир олиб, Америкага олиб кетишади. Шундай қилиб, амир Огаё штатида Томас Фостер номли оқ танли христианнинг тамаки даласида қул бўлиб хизмат қилади. Амир Абдурахмон қулчиликнинг турли қийинчиликларига дучор бўлади. Лекин бошқа мусулмонлар сафдошларидан фарқли ўлароқ, ўзи билан бирга келганларга Қуръондан сабоқ беради. Бир неча вақт ўтгандан кейин амир Абдурахмон Огаё штатидаги мусулмонларнинг имомига айланади. Сўнгра унинг номи АҚШнинг барча ҳудудларидаги қуллар орасига тарқалади. У ўзи ва ватандошларининг у ерда кўраётган азоб-уқубатлари ҳақида уйига хат ёзиб жўнатади. Бу хатнинг нусхаси бир журналист орқали Томас Рид номли сенатор қўлига тушиб қолади. Хат араб тилида бўлгани учун уни Марокаш элчихонасига жўнатади. Марокаш элчиси хатни Марокаш подшоҳи Мулай Абдурахмон Абдулфазл ибн Ҳишом Алавийга юборади. Подшоҳ бу таъсирли хатни ўқиб, дарҳол Америка президенти Жон Куинси Адамсга бу мусулмон амирини озод қилишни талаб қилиб, йўллайди. Америка президенти уни аёли билан озод қилишни маъқуллайди. Бу мусулмон амирининг номи Американинг барча ҳудудларига овоза бўлади. Қуллар ҳам амир каби озодликка чиқишни орзу қиладилар. Амир Абдурахмонни 9 нафар фарзанди бўлган. Улар ҳам отаси каби қулчиликда кун кўрганлар. Уларнинг ҳаммасини хўжайинларига пул тўлаб озод қилиш учун бутун Америка штатидан талаб қилинган пулни ярмини аранг тўплайди. Амир Абдурахмон кўп йиллардан буён фарзандлари билан бир дастурхон атрофида ўтиришни қўмсаб, мақсадига эришиш учун йиққан пулларини ташлаб, рафиқаси билан туғилган юрти Африкага келади. Суюкли ватанига қайтганидан сўнг 1829 йили Абдурахмон ибн Иброҳим Сурий бу ёруғ олам билан видолашади. Унинг таъсирли тарихидан сўнг Америкадаги қора танли қулларни озод қилиш ишлари бошланади. Америка конгресси кутубхонасида амир Абдурахмонни — остига «Унинг исми Абдурахмон» деб араб тилида ёзилган портрети сақланади. Балки бу амр динини ҳамда маданиятини куч билан ўзгартираман деганларга ўрнак учун ёзиб кетгандир. Уларга азоб берганларнинг ҳаммаси ўлиб, унут бўлишди, лекин амирнинг ёзувлари уларнинг жирканч қилмишларига гувоҳ бўлиш учун сақланиб қолди.

1976 йили америкалик профессор Терри Алфорд амир Абдурахмонни ҳаётини тарихий ҳужжатлар асосида «Қуллар орасидаги шаҳзода» номли асарини ёзган. 2007 йили эса Андреа Калин номли режиссёр бу асар бўйича ҳужжатли фильм суратга олган.

Абдурахмон ибн Иброҳим Сурийнинг қўлёзмалари ҳозирги кунгача АҚШнинг музейларида сақланади.

«Ислом умматининг 100 буюк шахси» асари асосида

Хуршид Маъруф тайёрлади